

“Навоийуран” ДК Кузатув кенгашининг
2022 йил “ 15 ” “ 10 ” даги
11 -сонли йиғилиш баённомасига
3 -илова

“Навоийуран” давлат корхонаси фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш

УСЛУБИЁТИ

Мазкур Услубиёт “Навоийуран” давлат корхонаси (кейинги ўринларда – Корхона) фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартибини белгилайди.

I-боб. Умумий қоидалар

1. Корхонанинг фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашнинг максадлари қуйидагилардан иборат:

а) давлат ташкилотининг коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган вазифа ва функцияларини аниқлаш ҳамда коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган лавозимлар рўйхатини шакллантириш;

б) коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқиш.

2. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш қуйидагилар ишлаб чиқилишини назарда тутади:

а) коррупциявий хавф-хатарлар харитаси;

б) коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур;

в) коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган лавозимлар рўйхати;

г) коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри.

3. Ушбу Услубиётда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

а) **коррупциявий хавф-хатар** – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш максадига қонунга хилоф равишда мавжуд сабаб ва шароитларда коррупциявий хатти-харакатларни содир этиш эҳтимоли;

б) **коррупциявий хавф-хатарлар харитаси** – корхона фаолиятида амалга ошириладиган вазифалар билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарнинг тавсифи ва даражаси, функцияларни тартибга солувчи механизмлар, жараёнларни амалга оширишга масъул бўлган лавозим, коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чоралари, қолдиқ коррупциявий хавф-хатар даражаси, коррупциявий хавф-хатарни бартараф этиш чораларини амалга оширишга масъул ижрочиларни ўз ичига олган ҳужжат;

в) **коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

г) **коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш** – корхонанинг фаолиятини таҳлил қилиш, мавжуд коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва ушбу хавф-хатарлар даражасини баҳолаш бўйича функциялари;

д) **қолдиқ хавф-хатар** – аниқланган коррупциявий хавф-хатарни бартараф этиш юзасидан белгиланган чоралардан кейин сақланиб қолинган хавф-хатар;

е) **“Комплаенс-назорат” бўлими** – корхонадаги коррупцияга қарши ички назорат тузилма.

4. Корхона томонидан коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ҳар йили 1-мартга қадар амалга оширилади.

5. Корхонанинг коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш, ушбу йўналишда камчиликларнинг олдини олиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан кўрсатмалар олиш мумкин.

II-боб. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашни ташкил этиш

6. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш корхона тизимида қириқчи барча ишлаб чиқариш майдонлари ҳамда ишлаб чиқариш заводи ва қон бошқармасини қамраб олишни лозим.

Бунда, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш “Комплаенс-назорати” бўлими томонидан амалга оширилади.

7. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашда корхонанинг “Комплаенс-назорат” бўлими томонидан қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

а) коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

б) корхонанинг коррупциявий хавф-хатарлар ҳаритасини ишлаб чиқиш;

в) корхонанинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш;

г) жамоатчилик томонидан берилган тақлифларга асосида корхонанинг коррупциявий хавф-хатарлар ҳаритасини ва коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳасини такомиллаштирилади.

III-боб. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартиби

8. Корхона фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарлар ички ва ташқи ахборот манбалари асосида аниқланади.

9. Ички ахборот манбалари қуйидагилардан иборат:

а) корхона фаолиятининг ҳуқуқий асоси;

б) ички текширув материаллари, шу жумладан хизмат текшируви материаллари;

в) одоб-ахлоқ комиссияси мажлисларининг йиғилиш баённомалари;

г) коррупцияга қарши курашиш ишларининг мониторинг натижалари;

д) “Комплаенс-назорат” бўлими томонидан корхона фаолияти юзасидан сўровномалар ўтказилади.

10. Ташқи ахборот манбалари қуйидагилардан иборат:

а) корхона фаолияти тўғрисидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги муурожаатлар ва статистик маълумотлар;

б) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тақдим этилган материаллар ва бошқалар.

11. “Комплаенс-назорат” бўлими томонидан корхонанинг фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлашда қуйидаги ҳолатлар таҳлил қилиниши лозим:

а) корхонанинг ходимлари томонидан содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик;

б) корхона томонидан фаолиятини амалга оширишда жисмоний ва юридик шахслар учун суғъий тўсиқларнинг мавжудлиги;

в) ўз вақтида қарор қабул қилмаслик, асоссиз тезкор тартибда қарор қабул қилиш;

г) ҳужжатлар, электрон маълумотлар базаларига била туриб ёлгон маълумотларнинг киритилиши;

д) хизмат ваколатларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашуви;

е) ваколатларни амалга оширишда маҳаллийчилик, хомийлик, уруг-аймоқчилик каби ҳолатларнинг мавжудлиги.

12. Корхона фаолиятидаги коррупциявий хавфхатарларнинг даражаси қуйидаги ўлчовларда баҳоланади: 1-паст даража; 2-ўрта даража; 3-юкори даража.

IV боб. Коррупциявий хавф-хатарларнинг даражасини бартараф этиш чоралари

13. Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чоралари қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

а) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

б) инсон омилни қисқартириш ва корхона фаолиятини тўлик рақамлаштириш,

в) шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш;

г) корхона фаолиятини тартибга солиш чораларини кўриш;

д) корхона ишчи ходимлари ва жисмоний шахслар ўртасида тўғридан-тўғри алоқани максимал даражада чеклаш;

е) расмий веб-сайт ва бошқа оммавий ахборот воситаларида корхона томонидан амалга ошириладиган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ва тарқатиш;

ё) хизматларини кўрсатиш жараёнини соддалаштириш, асоссиз чекловларни, ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бекор қилиш, бюрократик тартибга солиш механизмларини йўқ қилиш, тақдим этилган ҳужжатлар сони ва қарор қабул қилиш муддатларини қисқартириш;

ж) корхона томонидан коррупцияга қарши курашишга қаратилган тушунтириш ишларини амалга ошириш, профилактик суҳбатлар ўтказиш, ишонч телефонлари ва алоқа каналларида тарғибот ишларини амалга ошириш;

з) ишчи ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички ҳужжатларга ҳар кун, ўзаро ва тўлик роя қилишларини назорат қилиш.

и) корхона коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чора-тадбирларни ҳам амалга ошириши мумкин.

14. Корхонанинг умумлаштирилган коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ишлаб чиқилади ва "E-anticor.uz" электрон платформасига ҳар йили 1 февралга қадар киритилади.

15. Корхонанинг "Комплаенс-назорат" бўлими томонидан "Eanticor.uz" электрон платформасида жойлаштирилган коррупциявий хавф-хатарлар харитасига асосан автоматик равишда қуйидаги ҳужжатлар шакллантирилади:

а) корхонанинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури;

б) корхонанинг коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлари рўйхати.

V-боб. Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби

16. "E-anticor.uz" электрон платформасида жойлаштирилган корхонанинг коррупциявий хавф-хатарлар харита лойиҳалари асосида автоматик равишда коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри шакллантирилади.

17. Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри лойиҳаси корхона томонидан жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун ўн беш кундан кам бўлмаган муддатга "E-anticor.uz" вебсайтига жойлаштирилади.

18. Жамоатчилик муҳокамаси натижалари бўйича умумлаштирилган таклифларни муҳокама яқунланган кундан бошлаб ўн кун ичида "E-anticor.uz" электрон платформаси орқали юборади.

19. "Комплаенс-назорат" бўлими ва жамоатчилик томонидан берилган таклифлар асосида корхонанинг коррупциявий хавфхатарлар харитаси ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури лойиҳаларни такомиллаштиради.

20. Корхонанинг биринчи раҳбари ҳар йили 1 мартга қадар коррупциявий хавфхатарлар харитаси ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурини "E-anticor.uz" электрон платформаси орқали тасдиқлайди.

VI боб. Яқуний қондалар

21. Мазкур Услубиёт талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.